



АҲОЛИНИ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ - ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧИ

Мустақил изланувчи

Турғунов Муҳаммадбобур Абдусалом ўғли

Аннотация. Илмий мақолада жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришнинг айрим жиҳатлари, ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотлар қиёсий ўрганилган. Шунингдек, сўнгги йилларда ички ишлар органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишдаги фаолияти ва истиқболдаги вазифалар таҳлил қилинган.

Abstract. In the scientific article, some aspects of raising legal awareness and culture in the society, the reforms implemented in this direction are comparatively studied. Also, in recent years, the internal affairs bodies have analyzed the activities of increasing the legal consciousness and culture of the population and future tasks.

Аннотация. В научной статье сравнительно исследуются некоторые аспекты повышения правосознания и культуры в обществе, проводимые в этом направлении реформы. Также в последние годы органами внутренних дел проанализирована деятельность по повышению правосознания и культуры населения и поставлены задачи на перспективу.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.





Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ ва жамиятнинг маънавий соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилidir.

Ўзбекистонда аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида 1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури", 1997 йил 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони, 2001 йил 4 январида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш





тўғрисида"ги Фармойиши, 2006 йил 3 апрелида "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорининг қабул қилинганлиги ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида қатор комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги фикримиз далилидир.

Шахс ҳуқуқий онги энг аввало ҳуқуқий тарбия таъсирида шаклланади. Ҳуқуқий тарбия батартиблилик ва интизом даражасининг ошишига, бурч ҳиссининг мустаҳкамланишига ва шахс ҳуқуқий маданиятини юксалишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти – бу инсоният томонидан ҳуқуқ соҳасида тўпланган ва жамиятнинг ҳуқуқий воқелигига мансуб бўлган қадриятлар тизимини акс эттирувчи умумий маданиятнинг қисмидир¹.

Ҳуқуқшунос олимларга кўра, шахснинг ҳуқуқий маданияти – бу ҳар бир кишининг ўз фаолиятида ва ҳуқуқий онгида субъектив тарзда шаклланган ҳуқуқий билим, яъни амалдаги ҳуқуққа нисбатан муносабатни ифодаловчи тасаввурлар, қарашлар ва туйғулар йиғиндисиди намоён бўлади.

Сиёсий ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги бевосита уни қўллаб-қувватловчи, ҳуқуқий онги ва маданияти шаклланган, жамиятдаги ўзгаришларни тўғри ва холис фаҳмлай оладиган, ҳуқуқий билимли шахсларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Жамиятдаги ҳуқуқий жараёнлар илгаридан тубдан фарқланишини ва ижтимоий муносабатларда сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни янгиланганини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 9 январда “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги

¹ Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси. Тошкент. 2015 йил, 149-бет





Фармони қабул қилинди.

Фармон доирасида тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепциясига кўра, жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва нодавлат ташкилотларига ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилди.

Шунингдек, Концепцияга кўра, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган².

Бироқ, ушбу йўналишдаги ишлар таҳлил қилинганда, жамият ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши сифатида кўрилаётганлиги, оила, маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари томонидан аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ишлар тизимли амалга оширилмаётганлиги маълум бўлмоқда.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ўз ўрнига эга бўлган ички ишлар органларига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган.

Хусусан, ички ишлар органларининг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширган ишлари таҳлил қилинганда, ўтган давр мобайнида адлия органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида аҳоли ва ёшлар билан “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир!”³ деган концептуал ғоя асосида учрашув, конференция, мунозара ва давра суҳбатлари ташкил этиб келинаётганлиги маълум бўлди.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонидан олинган. <https://lex.uz/docs/4149765>. Мурожаат санаси 20.09.2022 йил.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармонидан олинган. <https://lex.uz/docs/4149765>. Мурожаат санаси 20.09.2022 йил.






Жумладан, ўтказилаётган тарғибот тадбирларида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар давлат томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини бир хилда ва тўғри тушунишга, унинг ижросини қўллаб-қувватлашга, ҳуқуқий нигилизм ҳолатларининг олдини олишга, қонунларга итоаткорлик руҳини шакллантиришга ва асосийси, фуқароларда амалдаги сиёсий ҳокимиятга хайрихоҳлик туйғусини шакллантиришга ёрдам бериши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар берилган.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш борасида бошланғич таълим босқичи учун – “Конституция оламига саёҳат”, “Конституция алифбоси”, ўрта маълумот босқичи учун – “Конституция сабоқлари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун – “Ҳуқуқшунослик”, “Конституциявий ҳуқуқ” каби фанлар бўйича дарслар жорий этилган. Мазкур таълим босқичларида инсон ҳуқуқларига оид билим асослари, қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ стандартларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда 20 га яқин олий таълим муассасалари ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган. Бу эса мамлакатда ҳуқуқий онг ва маданиятни такомиллаштириш ислохотлари тизимли равишда амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, ёшлар ҳуқуқий онгини шаклланиши ва ўзгариб бориши 3-6 ёшларда ўйин шакллари ва тарбия бериш, 7-16 ёшларда таълим-тарбия олиш, 17-25 ёшларда таълим-тарбия олиш, мустақил тайёргарлик, амалий фаолият, 25 ва ундан юқори





ёшларда эса малака ошириш, мустақил тайёргарлик, амалий фаолият жараёнида амалга ошади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, шахс ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ўзгариши (ижобий ёки салбий томонга), биринчидан, келажак авлод ўсиб улғаяётган макро- ва микромуҳитдаги менталитетга хос этнопсихология, урф-одат, турмуш тарзи, одоб-ахлоқ, қадриятлар, таълим-тарбия мазмуни таъсири, иккинчидан, уларнинг ҳаётни, ундаги ҳодиса, воқеа, жараён ва муносабатларни ўзлари кузатиши, қабул қилиши ва англаши орқали юз беради

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятда кишилар қанчалик юқори маданиятли бўлса, ҳуқуқ нормаларини билса, қонунларни юридик адабиётларни ўқиб, уларга амал қилса, ҳуқуқ бузилиши ҳам шунчалик кам бўлади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари мамалакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш бизнинг муҳим мақсадимизга айланиши даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/35869>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466- I-сон қарори билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури <https://lex.uz/docs/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4149765>, 12.04.2022 йил ҳолатида





4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т., 1993. -Б.182.
5. Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. – М., 1997. –С.569.
6. Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. О законах, об их отношениях к различным существам. –М.: 1955. с.164-165.

